

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ



“ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ” ФАНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН

МЕТОДИК ТАВСИЯ

ҚАРШИ-2016

Мазкур методик тавсияда асосан умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида умумтаълим фанлари бўйича ўтказилган билимлар беллашуви вилоят босқичи натижаларига кўра аниқланган ва 2015-2016 ўқув йилида таълим сифати мониторинги натижасида аниқланган ўқувчилар ўзлаштириши қийин бўлган ва бўли ўзлаштирилган мавзулар учун зарур бўладиган метод, усул ёки услублар, шунингдек, дарс ишланмалари келтириб ўтилган. Ушбу методик тавсия ижтимоий фанлардан дарс ўтадиган ўқитувчи, педагог ходимлар ва барча таълим соҳасининг мазкур йўналишига қизиқувчи тингловчиларга мўлжалланган.

Тақризчи:

проф. Н. Узоқов
доц. А. Бердиев

“Ижтимоий-иқтисодий фанлар”
кафедраси ўқитувчиси:

З.Қ. Ҳайдаров.

Мазкур методик тавсиялар “Ижтимоий-иқтисодий фанлар” асослари кафедрасининг 2016йил _____-мартдаги _____ - сонли ва институт илмий кенгашиининг 2016 йил _____ мартдаги _____ - сонли қарори билан тасдиқланган

Мундарижа

Кириш.....	
1.Солиқлар. Мохияти, вазифалари.....	
2.Солиқ тизими тамойллари, умумийлик, муҳимлик, мажбурийлик, тенг таъсир этишлик.....	
3.Солиқ тизими. объект ва субъектлари. Солиқ шакллари. Солиқ йиғиш усуллари.....	
4.Солиқ манбалари нимани ифода этади.....	
5.Солиқ нормаси ва солиқ оғирлиги.....	
6.Солиқ бирлиги.....	
7.Солиқ ставкаси.....	
8.Пропорционал солиқ ставкаси.....	
9.Прогрессив солиқ ставкаси.....	
10.Регрессив солиқ ставкаси.....	
Солиққа тортилмайдиган минимум.....	
12.Солиқ декларацияси.....	
13.Солиқ имтиёзи деганда.....	
14.Асосий таянч тушунчалар.....	
15.Қўшимча маълумотлар.....	
16. Дарс ишланма.....	
17. Видио ролик	
Хулоса.....	

Кириш

Юртимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар замирида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини юксалтиришдек эзгу мақсадлар ётибди.

Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари доирасида жорий этилган янгиликлар, ўзгаришлар, имтиёзлар ҳам шунга хизмат қилади. 2014 йил 4 декабрдаги "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорида бу имтиёзлар белгилаб берилган.¹

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, ҳисобот йилида ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди. Йиллик бюджет ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси 5,6 фоизни ташкил қилди, яъни прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлди. Ҳалқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани албатта барчамизга мамнуният етказди.²

Айни пайтда инфляция даражаси 5,5 – 6,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Бу 2014 йилга қарагандасезиларли даражада пастдир.

2015 йилда кўзда тутилаётган капитал қўйилмалар ҳажми АҚШ доллари ҳисобида 15 миллиард 960 миллиондолларни ёки 2014 йилга нисбатан 110,1 фоизни ташкил этади. Унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 23,1 фоизга етади.

Ушбу маблағларнинг 74,5 фоизга яқини ишлаб чиқариш объектлари қурилишига, 43,1 фоизи асбоб-ускуналар сотиб олишга йўналтирилади. Чет эл инвестициялари ҳажми 3,5 миллиард доллардан ошиб, уларнинг умумий

¹ "Қашқадарё" газетаси, 2015-01-30

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси

капитал қўйилмалар ҳажмидаги улуши 22,1 фоизни ташкил этади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши эса 11,2 фоизга кўпаяди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари ҳар томонлама чуқур ва пухта ўйланган изчил солиқ ва пул-кредит сиёсатини амалга ошириш орқали таъминланади. Ушбу сиёсат, авваламбор, иқтисодиётда солиқ юкини камайтириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида унинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришга қаратилади.

Биринчи навбатда амалга ошириладиган вазифалар қаторига даромад солиғи ставкасини 7,5 фоизга камайтириш киради. Шу билан бирга, қурилиш соҳасида фаолият юритаётган корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси, саноат корхоналарида бўлганидек, 6 фоиздан 5 фоизга туширилади.

1. Солиқлар: моҳияти, вазифалари.

Бозор Иқтисодиёти моҳиятига кўра иқтисодий муносабатлар, одатда, эквивалент муносабат бўлиши лозим. Шу боис давлат жамиятдаги бажарган вазифаларининг маълум бир иқтисодий манбаини такозо этади. Масалан, ижтимоий тадбирлар, мудофа, давлатни бошқарув тизими ва бошқалар ижтимоий хизматлар бўлиб, ҳар бир муайян жамият фаолиятининг энг зарур эҳтиёжи ҳисобланади.

Аммо жамиятнинг бу эҳтиёжини бирор шахс ёки корхона, концерн алоҳида тарзда таъминлай олмайди. Бу масала мамлакатнинг муайян конунлари асосида ишлаб чикилиб, жорий этиладиган солиқлар билан ҳал этилади. Солиқ миллий даромадни иқтисодий-ижтимоий тараққиёт вазифаларига мувофиқ тақсимлаш ва қайта тақсимлашни таъминловчи муҳим воситадир. Солиқлар давлат бюджетининг асосий даромад манбаидир. Солиқлар давлат (маҳаллий Ташкилотлар) билан ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатларни ифодалайди.

Солиқ - бу, мустақил хўжалик юритувчи субъект даромадининг бир қисmini конун асосида белгиланган шаклда ва миқдорда давлат (маҳаллий Ташкилотлар) ҳисобига олишдир. Солиқлар асосан, давлатнинг (маҳаллий Ташкилотларнинг) фирмалар, коцсернлар, Ташкилотлар ҳамда аҳолидан ундирилган пул маблағларидир. А.Смит солиқлар тўловчилар учун куллик белгиси бўлмай, балки озодлик белгисидир, деб тарифлаган эди. Солиқ ҳақиқатда демократик тарздаги тўлов бўлиб, бозор муносабатларига ҳуқуқий асос билан жорий этилади.

Солиқлар солиқ тўловчиларнинг фақат даромадларидан ундирилиши лозим. Солиқлар тадбиркорлик фаолияти билан ҳамда ишлаб чиқарувчининг аванслашган каптали ва нормал тарздаги такрор ишлаб чиқаришга унинг таъсири бўлмаслиги лозим. Демак, солиқлар ишлаб чиқаришни нормал ривожлантиришга ижобий таъсир этиши кўзда тутилади. Ҳар бир мамлакат ўзининг муайян даврдаги вазифасидан келиб чиққан солиқ тизимига эга. Солиқ тизими - бу, бюджетга ундириладиган солиқлар мажмуи.

Солиқлар Иқтисодиётда бир қатор вазифаларни бажаради. Булар ичида тубандаги уч вазифа алоҳида урин тутати. Аввало, солиқлар давлат харажатларини молиялашни таъминлайди. Жамиятдаги барча ижтимоий хизматлар(“товарлар“) мамлакат аҳолиси томонидан истеъмол қилиниб, фирмалар, корхоналар, корпорациялар бу сарфлар учун ҳақ тўлашга қодир бўлмайди. Айнан шу мақсадлардаги фаолиятни солиқлар бажариб давлат харажатларини молиялашни таъминлайди. Бу вазифа фискал вазифа деб ҳам юритилади.

Иккинчидан, солиқлар ижтимоий вазифани, яъни айрим ижтимоий гуруҳлар даромадлари ўртасидаги тафовутни камайтириш учун ва тенг шароитлар яратиш каби вазифани бажаради. Айрим тадбиркорлар хисоб-китобларга кўра бошқаларга нисбатан юқори солиқ ставкалари тўлашади, ўзгалар эса уларга нисбатан кам солиқ ставкалари тўлайдилар.

Солиқларнинг **учинчи вазифаси** давлатнинг Иқтисодиётини тартибга солиши, яъни тартиблаштириш воситаси бўлишидир.

2. Солиқ тизими тамойллари, умумийлик, муҳимлик, мажбурийлик, тенг таъсир этишлик.

Солиқлар тизими маълум бир тамойиллар асосида Ташкил топади. Бу тамойиллар ичида тубандагилар муҳим хисобланади. Умумийлик, яъни ҳуқуқий мулк шаклларида катъий назар барча иқтисодий субъектлар солиққа тортиладилар. Муқимлик - барча солиқ турлари ва уларнинг ҳажмлари катъий белгилангандир.

Мажбурилик - барча солиққа тортилган субъектлар белгиланган солиқни ўз вақтида тўлашлари даркор. Солиқ тўловининг иқтисодий мустақиллиги кўзда тутилган ҳолда солиқни тўлашдан бошқа илож йўқлиги асосида, иқтисодий чоралар асосида мажбур этилади.

Тенг таъсир этиш (ёки барчага баробар таъсир этиш) - бу барча солиққа тортилувчилардан уларнинг даромад ва фойдаларининг салмоғига монанд солиқ даражалари белгиланиб ундирилишидир. Буюк инглиз иқтисодчиси **У.Петти** ўзининг “**Солиқлар ва йигимлар тўғрисидаги трактат**” асарида бу тамойилни ифодалаб шундай таъкидлаган. “**Солиқлар канчалик улкан (кўп) бўлмасин, агар у барчага пропорционал бўлса, бундан ҳеч ким бойлигини йўқотмайди.**”

Ижтимоий адолат йўли солиққа тортишда ва солиқ даражасларини белгилашда, имтиёзлар беришда барча солиққа тортувчиларга тенг шароит яратиш, айниқса кам даромади субъектларга, аҳолига нисбатан алоҳида эътибор берилишидир. Демак, солиқ ставкаларининг табақалашганлигидир.

Солиқ тўлов тизими ва уни амалга ошириш тартиб қоидалари оддий, тушунарли ва солиқ тўловчилар учун қулай ҳамда солиқ йиғувчилар учун тежамли бўлиши лозим.

Солиқ тизими жамиятдаги ўзгариб турувчи ижтимоий - сиёсий эҳтиёжларга мослашадиган ва ихчам бўлиши кўзда тутилади.

Солиқлар тизими ялпи миллий маҳсулот ва миллий даромадларни тақсимлар экан, давлат иқтисодий сиёсатини самарали амалга ошириш воситаси сифатида иқтисодиётнинг тартибга келтирилишига хизмат қилиши даркор.

Шунинг учун давлат солиқ сиёсатини доимо олиб бормоқда, яъни ихчам, аҳоли учун оғир бўлмаган янги давлат тизимини яратишга катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” асарида ислохотларнинг солиқлар тизимида амалга ошириладиган тамойиллари ҳақида алоҳида тўхталади. Бу соҳадаги ислохотларнинг асосий мақсади солиқларни ихчамлаштириш уларни осонлаштириш ва рағбатлантириш кучини оширишдан иборат.

Биринчи тамойил корхоналардан солиқлар юқини камайтириш уларга ишлаб чиқаришни ривожлантириш, инвестицияларга эга бўлиш, янги технологиялар ўрнатиш корхоналарни техник жиҳатдан қайта жихозлаш, кадрлар малакасини ошириш имкониятларига эга бўлишлари учун керакли шарт-шароит яратиш.

Иккинчи тамойил-Солиқларнинг корхоналар ва Ташкилотларнинг даромадидан эмас, балки уларнинг фойдаларидан олишга тўла ўтиш. Ислохотларнинг биринчи босқичида (1996 йилгача) бундай солиқ жорий этиш учун ҳуқуқий ва ижтимоий шароитлар этишмас эди, улар ҳозир тайёрланган. Шунингдек, ҳозир фойдани солиқлардан яшириб олиш каби иллатларга қарши алоҳида маъмурий чоралар ишлаб чиқилганлиги ҳам бундай тамойилни қўллашга шароит туғдирмоқда.

Учинчи тамойил - давлат ва маҳаллий солиқлар Ўртасида оптимал (мақсадга мувофиқ) мутансиблик ўрнатиш, маҳаллий солиқлар аҳамиятини ошириш, давлат бюджетидан маҳаллий солиқлар томон бурилиш қилиш. Гап шундаки, президентимиз кўрсатишича ислохотлар давомида макроиқтисодиётни ривожлантиришга корхоналар, ҳудудий тармоқлар иқтисодиётини кутаришга устуворлик бахш этиш кўзда тутилмоқда. Бундай шароитда маҳаллий солиқлар аҳамиятининг ортиши ўз-ўзидан маълум.

Тўртинчи тамойил - корхоналарнинг иқтисодий кучайтириш, уларнинг даромадларидан ҳудудий иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни эчишда ҳиссасини ошириб юбориш. Бундай тамойил корхоналар, тадбиркорлар, ишбилармонлар, барча соҳибкорларнинг ўз қишшлоғи,

шаҳари, тумани, вилояти, соҳасини ривожлантиришлари учун кенг имкониятлар очади.

Аҳолидан олинадиган солиқлар масаласда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Зеро, даромад солиқлари одамларни, ишлаб чиқаришни, тадбиркорликни, яратувчиликни рағбатлантирувчи воситага айланмоғи даркор, солиқ олишнинг илғор усуллари қўллаб олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар муваффақиятини таъминлашга хизмат қилади.

3. Солиқ тизими: объект ва субъектлари. Солиқ шакллари. Солиқ йиғиш усуллари.

Солиқ субъектлари бўлиб ҳисобланувчилар

Субъект сўзи солиқ муносабатларида ҳуқуқий маънода киритилган. Солиқ муносабатларида қатнашувчи томонлар солиқ субъектлари бўлиб ҳисобланади. Амалиётда кўпинча солиқ субъекти деганда солиқ тўловчиларнинг ўзи тушунилади. Аммо ҳеч қандай солиқ муносабатсиз бўлмайди. Муносабат бўлиш учун эса камида икки томон бўлади. Демак, солиқ субъектлари бу солиқ тўловчилар(ҳуқуқий шахслар ва жисмоний шахслар) ва солиқ ундирувчилар (солиқ идоралари)дир. Ёки солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги муносабат бўлади. Шу муносабатларида қатнашувчилар субъектлари бўлади ва субъектлар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ва яхшилаш солиққа тортишнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Солиқ тизимида солиқ субъектлари ва солиқ объектлари муҳимдир. Солиқ субъекти - бу солиқ тўловчилар, яъни солиқ ундириладиган шахс, фирма корхоналар ва солиқ ундирувчилардир. Улар қуйидагича тузилишга эгадир:

- *ҳуқуқий шахслардан ундириладиган солиқлар ,*
- *жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар ,*
- *ҳуқуқи ва жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар.*

Уларнинг ўзлари, мол - мулки ва даромадлари ҳам турличадир. Иқтисодиёт қанчалик кўп укладли, солиқ субъектлари ҳам шунга монанд кўпайиб боради ҳамда уларнинг ижтимоий мавқеи ўзгаради.

Солиқ объекти - бу

Солиқ объекти солиқ нимага солинади, деган саволга жавоб беради.

Уларни уч йўналишга ажратиш мумкин.

- даромад (аҳоли ,корхоналар ,фирмалар ва бошқалар),
- мулк (ҳаракатдаги мулк яъни капитал сифатида даромад келтирувчи) ва ҳаракатда бўлмаган мулк ,
- мулкни меъросга қолдиришдан кимматли Қозғозларга бўйича савдодан , божхона тўловлари ва бошқалар .

Солиқ нормаси ва солиқ ставкаси солиқ асоси, яъни солиққа тортиш манбаи амалда солиққа тортиладиган даромад, мулк фаолият натижасидир. Айнан шу солиққа тортиш манбаининг у ёки бу манбаи учун тўланадиган қисми солиқ нормаси (ставкаси) дейилади.

оборот, даромад ва мулк.

Аниқроғи сотилаётган маҳсулот обороти, олинган фойда(ёки даромад), ер майдони, транспорт воситасининг ёқилғисига (1 литр безинга 200 сўм деб белгиланган) ва бошқалар солиқ объекти ҳисобланади. Объект қанча кўп, кенг ва катта бўлса бир хил солиқ ставкаси шароитида мамалакат солиқ оғирлиги солиқ тўловчилар ўртасида шунча пасаяди. Солиққа тортилган объект асосан солиқ номини ифода этади ва кўп ҳолларда солиқ манбаига мос келади. Масалан, корхона фойдасига солиқ солишда солиқ объекти ҳам манбаси ҳам фойдадир. Фуқаролар даромади солиғининг ҳам солиқ объектининг ҳам манбаи фуқаро олган ялпи даромаддир.

Солиқ объекти хилма–хил бўлиб, у бевосита давлатнинг иқтисодий сиёсатига боғлиқ бўлади.

Солиқ шакллари. Солиқ йиғиш усуллари.

Солиқлар ўзлариинг Ташкил топиши нуқтаи назаридан икки гуруҳга бўлинади:

1) тўғри солиқлар ;

2) Эгри солиқлар .

Тўғри солиқлар - даромад олувчи шахснинг (мулк эгасининг) даромадидан (фойдасидан) олинади. Бундай солиқларда ҳуқуқий ва ҳақиқий солиқ тўловчи битта шахс бўлади. Солиқ аввалдан белгиланган бўлади. Солиқ объекти шахслар даромади ва корхоналар, фирмалар тадбиркорлик фаолиятининг молиявий натижасидир. Бу солиқларни ундиришда воситачи иштирок этмайди. Тўғри солиқлар объектлари фойда (даромад) солиғи, ер солиғи ва даромад солиғидир.

Тўғри солиқлар ўз навбатида иккига бўлинади:

- **шахсий солиқлар ;**

- **ҳақиқий солиқлар.**

Шахсий солиқлар ўз ичига қуйидагиларни киритади:

- **аҳолидан ундирилган даромад солиғи;**
- **фирмалар, корхоналар фойдасидан олинадиган солиқлар;**
- **мулкдан олинадиган солиқ;**
- **капитал ўсишидан олинадиган солиқ;**
- **меросга қолдириш ва мулкни совға қилишдан ундириладиган солиқ;**
- **фойдани ёки капитални чет элга чиқаришдан олинадиган солиқ.**

Ҳақиқий (реал) солиқлар ўз ичига қуйидагиларни киритади:

- **ер бўйича солиқлар;**
- **уй-жой бўйича солиқлар;**
- **қимматли Қозғалар дивидендидан олинадиган солиқлар.**

Эгри солиқлар - товарлар реализацияси, килинган хизматлар амалга ошаётган вазиятнинг тугалланган онидан истеъмолчилар маҳсулотга куйилиб, ундирилади. Эгри солиқлар корхона ва Ташкилотлар фаолиятининг молиявий яқунларига боғлиқ буламйди.

Улар сотилаётган товарлар ва хизматлар айланишига (баҳосига) устама тарзда белгиланади.

Эгри солиқлар:

- **акцизлар;**
- **божхона тўловлари;**
- **фискал (монополь) солиқлар.**

Акциз халқ истеъмоли товарларига ва хизматларга қуйиладиган солиқ бўлиб муайян товарнинг ёки хизматнинг баҳосига киритилади. Акцизлар мамлакатдаги айрим бир импорт килинаётган маҳсулотларга нисбатан қўлланилади.

Божхона тўловлари эгр солиқларнинг муҳим таркибидир. Божхона тўловлари мамлакат чегараси орқали ўтадиган товарлардан ундирилади. Божхона муассасалари божхона тўловлари асосида мамлакат Ташқи савдо мафаатини таъминлайди. Божхона тўловлари фискал, протекцион, антидемпинг, преференциал мақсадларда қўлланилади.³

Солиқ Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида тўланадиган қуйидаги солиқлар қўлланилиши мумкин:

ягона солиқ тўлови;
ягона ер солиғи;

³ Иқтисодиёт назарияси_МК_Андижон_2005_доцент Г_Бозорова

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

солиқ солиш объекти;

солиқ солинадиган база;

ставка;

ҳисоблаб чиқариш тартиби;

солиқ даври;

солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби;

тўлаш тартиби.

Бирор жамиятни солиқ тизимсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки солиқ бюджет (пул фонди)ни ташкил этишнинг асосий воситаси бўлибгина қолмай, балки улар:

-Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга;

-Ишлаб чиқаришни ривожлантириш юлида инвестицияни купайтиришга;

-Рақобатга бардош берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни купайтиришга;

-Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга;

-Хусусий корхоналар очиш билан бозор инфраструктурасини барпо қилишга;

-Умумдават эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Республикамизда иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштиришда солиқлар ролини, солиқ сиёсати ва қонунларини солиқ тўловчилар ва солиқ ундирувчилар, шунингдек, кенг халқ оммасига тарғибот қилиш қуйидаги саволлар асосида ёритилиб тарғиб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Солиқ деганда нимани тушунаси?

Амалиётда солиқ деганда баъзи бюджетга тушадиган пул ёки мажбурий тўлов деб таъриф берилади. Бу тўлиқ бўлмаган, илмий асосланмага таърифдир. Ахир бюджетга пул солиқсиз ҳам мажбурий тўловлар борлиги кўпчиликга маълумки! Биз солиқларга қуйидаги таърифни берган бўлар эдик

Солиқлар бу бюджетга тушадиган пул (иқтисодий) ва қонун билан белгиланган мажбурий муносабатлардир. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) билан давлат ўртасидаги муносабатларни ифода этади. Солиқлар миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир. Солиқ давлатнинг марказлашган пул фонди (давлат бюджети)ни ташкил этишнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Солиқларнинг мажбурийлиги олий мажлис томонидан тасдиқланган ҳуқуқий ва меъёрий қонунлар билан таъминланади. Шундай экан, солиқларни

тўламасликка, солиқ объектини яширишга, солиқ сўммасини камайтириб кўрсатишга на ҳуқуқий ва на жисмоний шахсларни ҳаққи йўқ.

Солиқ тўлаш ҳўжалик субъекти ва фаолият кўрсатувчи фуқаро билан давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни бозор иқтисодиёти давридаги асосий шакли, даромадларни ҳўжалик субъектлари билан давлат ўртасидаги тақсимлашнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Солиқларнинг зарурлиги нимадан келиб чиқади?

Бозор иқтисодиёти олди-сотди, эквиваленти, пул муносабатлари иқтисодиётидир. Шундай экан, солиқлар шу муносабатларга, яъни эквивалент муносабатларига тўғридан-тўғри мос келадими, деган саволга салбий жавоб тўғри келади. Лекин солиқлар ҳар тамонлама ўрганиб чиқилса ижобий жавоб тўғри келиб чиқади.

Солиқлар энг аввало давлатнинг ижтимоий зарурий вазифаларини молиявий маблағлар билан таъминлашнинг зарурлигидан келтириб чиқарилади. Давлат олдида турган умумий вазифаларига ҳозирги шароитда қуйдагилар киради.

- 1.аҳолини кам таъминланган табақаларини(талабалар, нафқахўрлар, ногиронлар ва бошқалар) ижтимоий ҳимоя қилиш;
- 2.мамалакат мудоффсини таъминлаш;
- 3.мамалакат фуқароларининг тинч меҳнат қилиш ва эркин яшашини муҳофазасини таъминлаш;
- 4.мамалакат ичида узлуксиз ижтимоий, маданий тадбирлар (маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот ва бошқалар) амалга ошириш;
- 5.хорижий мамалакатлар билан иқтисодий маданий, сиёсий алоқалар ўрнатиш ва ҳ.к.
- 6.бозор инфраструктрасини яратиш.

Бу вазифаларни амалга ошириш ниҳоятда кўп молиявий ресурслани талаб қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида бу ресурсларни фақат солиқлар ва солиқ характерига эга бўлган тўловлар орқали амалга ошириш мумкин.

5.Солиқ манбалари нимани ифода этади?

Солиқ нима ҳисобидан тўланса, ўша нарса солиқ манбаи бўлади. Масалан, ер солиқ солинадиган объект ҳисобланса, ердан келадиган даромад унинг манбаи бўлиб ҳисобланади. Аскарият кўп солиқлар учун фойда ёки даромад солиқлар манбаи бўлиб ҳисобланади.

Солиқ нормаси ва солиқ оғирлиги деганда нимани тушунаси?

Бюджетга тўланган солиқ суммасининг солиқ объектига нисбатан ҳажми солиқ нормаси деб аталади. Солиқ нормаси даромад(фойда) суммаси, мол-мулк қиймати ёки товар сотиш обороти миқдорида қараб белгиланади. Масалан, фуқароларнинг даромад солиғида солиқ нормаси фуқаронинг ҳар бир юз сўм олган даромадига қараб 8, 16, 22 фоизлари белгиланган. Бу солиқ ставкаси деб аталади.

Солиқ бирлиги деганда нимани тушунаси?

Солиқ бирлиги деганда, солиқ объектининг бир бўлаги тушунилади ва у бутун объектдан солиқ ҳисоблаш учун зарур бўлган меъёр вазифасини бажаради. Масалан, аҳоли ихтиёридаги ердан солиқ ундирилади – ҳар бир квадрат метр, корхоналар еридан ҳар бир гектар(га) солиқ бирлиги билан ҳисобланади. Масалан 1 метр квадрат солиқ бирлигига 3 сўм солиқ ставкаси бўлса 300 метр квадрат ер учун 900 сўм солиқ тўлашга тўғри келади.

Солиқ ставкаси деганда нимани тушунаси?

Солиқ объектининг ҳар бир солиқ бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёр солиқ ставкаси деб юртилади. Бу ставка қаятий суммаларда ёки фоизларда объектга нисбатан қўлланилади. Солиқ ставкалари пропорционал, прогрессив ва регрессив кўринишларда бўлиши мумкин.

Пропорционал солиқ ставкаси қандай белгиланади?

Пропорционал солиқ ставкаси усулида фойда ёки оборотга эга бўлган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар бир хил пропорцияда (улушда) солиқ тулайдилар. Бу ерда солиқ ставкаси қаятий ўрнатилган бўлиб пропорционал равишда олинади. Масалан, Корхона асосий фойдаларини ўртача йиллик қиймати 20000 сўм бўлиб, ундан ундириладиган солиқ ставкаси белгиланганда, солиқ суммаси ҳисобот йили учун 400 сўмни ($20000 \cdot 2/100$) ташкил этади, борди-ю шу қиймат 50000 сўм бўлса, солиқ суммаси 1000 сўмни ташкил этади ва ҳ.к.

Прогрессив солиқ ставкаси деганда нимани тушунаси?

Даромад ёки фойда ортиб бориши билан солиқ ставкаси ҳам ортиб бориши кўзда тутилган бўлса, бундай ставкаларни прогрессив солиқ ставкаси дейилади. Буни биз Ўзбекистон республикаси, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганлардан олинадиган даромад солиғи ставкасида кўришимиз мумкин.

Регрессив солиқ ставкаси қайси усулда қўлланади?

Регрессив солиқ ставкаси усулида даромад ўсиши (ошиши) билан маҳсулот ишлаб чиқариш ёки экспорт маҳсулот ишлаб чиқариш ёки экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайиши билан солиқ ставкаси камайиб боради. Демак бу корхона бюджетга кам солиқ тўлай бошлайди. Регрессив ставкалар бирор фаолият ёки соҳада маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ёки ўз фойдасидан бирор турдаги харажатни (масалан, инвестицияни) кўпайтиришни рағбатлантириш мақсадида қўлланилади.

Регрессив ставкани қўллашга давлат қуйидаги икки йўлнинг бирини танлаш билан эришади: ё давлат бюджети харажатларини камайтиради ёки камайган солиқни тўловчиларга тарқатиб юборади.

Регрессив солиқ ставкалари Ўзбекистон солиқ қонунчилигида 1995 йил 1 январдан бошлаб фойдага солиқ буйича қўлланила бошланди. Бироқ бу тартиб 1996 йилдан бошлаб бекор қилинди.

Республика президентининг “Экспорт маҳсулот ишлаб чиқаришга корхоналарини рағбатлантиришга оид қўшимча чорағтадбирлар тўғрисида” 1996 йил 20 мартда қабул қилинган қарори регрессив солиқ ставкасига мисол бўла олади. Чунки бу ерда ҳам экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи ошиши билан корхоналарининг бюджетга тўлаши лозим бўлган фойдага солиқ ставкаси камайиб боради.

Агар корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотининг умумий ҳажмида экспорт улуши:

- 5 фоиздан 10 фоизгача бўлса -20 фоизга;
- 10 фоиздан 20 фоизгача бўлса -30 фоизга;
- 20 фоиздан 30 фоизгача бўлса - 40 фоизга;
- 30 фоиздан кўп бўлса солиқ ставкаси 50 фоизга камайтириладими.

Солиққа тортилмайдиган минимум деганда нимани тушунаси?

Корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳоли даромадларининг солиқдан тамомила озод этиладиган қисми солиққа тортилмайдиган минимум деб юритилади. Бу минимум аҳоли даромадига нисбатан кўпроқ қўлланилади. Бу

ерда солиқ солиқ солинмайдиган минимум 1996 йил 1 сентябрдан бошлаб 600 сўм қилиб белгиланган.

Агар аҳоли даромадларининг солиққа тортилмайдиган минимум қисми ошиб борса улар ишлаб топган даромаддан солиқ камроқ ундирилади, унинг эвазига аҳоли истеъмол буюмларини кўпроқ харид қилиш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистон ўзининг иқтисодий сиёсатда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини юритар экан, солиққа тортилмайдиган даромад минимумини ошириб бориши шу сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилаётганидан дарак бериб туради.

Солиқ декларацияси нимага тузилади?

Солиқ декларацияси ишбилармон даромадинисолиққа тортиш ҳужжати, ахборотномасидир.

Ишчи ва хизматчилар асосий иш жойидан ташқари қўшимча даромад топсалар ёки фуқролар тадбиркорлик билан шуғуллансалар топган ялпи даромади тўғрисида солиқ қонунчилигида кўрсатилганидек ахборотнома, хабарнома ёзилиши шарт. Бу солиқ декларацияси деб юритилади.

Декларацияларда ҳуқуқий ёки жисмоний шахсларнинг йил давомида топган барча даромадлари ва шу даромадни олиш билан боғлиқ ҳамма харажатлари кўрсатилади.

Солиқ декларациясини тақдим этиш бутун республика ҳудудида жорий этилган. Декларация талаб қилинишидан асосий мақсад ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг олган соф даромадини аниқлаш ва уни солиққа тортишдир.

Солиқ имтиёзи деганда нимани тушунаси?

Солиқ тўловчиларни солиқдан озод этиш, улар тўлайдиган солиқ миқдорини (солиқ базасини) камайтириш ёки солиқ тўлаш шартини енгиллаштириш кабиларни солиқ қонунчилигида солиқ имтиёзи деб юритилади. Лекин бизнинг фикримизча, имтиёздан кўра енгиллик сўзини ишлатиш солиқ моҳиятини очиқ беради. Енгиллик солиқ тўловчи елкасидан солиқ оғирлигини камайтириш демакдир.

Солиқ имтиёзлари аскарият бирор ишлаб чиқариш соҳасини, фаолият турини рағбатлантиришга қаратилган бўлади. Лекин бундай имтиёзлар манбаи ниманинг ёки кимнинг ҳисобига амалга оширилишини чуқур таҳлил қилиб чиқишига тўғри келади. Чунки бюджет харажатларини камайтириш

имконияти топилмаса солиқдан имтиёзли солиқ тўловчи корхоналарга қўшимча солиқ юкини тақсимлаб беришга тўғри келади.

Солиқлар давлатининг молия ресурслари миқдорига таъсир қилади. Агар давлатнинг молия ресурсларини оширишга зарурияти бўлса, солиқ имтиёзлари камайтирилади ва аксинча, корхона, ташкилотларнинг фаоллигини ошириш керак бўлса, солиқ имтиёзлари кенгайтирилади. Лекин макроиктисодиёт даражасида солиқ имтиёзларига кўп берилиб кетиш, бизнингча, солиқ тўловчиларда боқимандачиликка мойиллик касалини келтириб чиқариши мумкин.

Айрим солиқларда хилма-хил имтиёз турлари мавжуд. Корхона, бирлашма ва ташкилотларга солиқлардан бериладиган имтиёзларни 3 гуруҳга бўлиши мумкин.

1.солиқдан батамом озод этилувчилар.

2.солиқдан қисман ва вақтинча озод этилувчилар.

3.солиққа тортиладиган фойда(даромад) базасини камайтириш.

Масалан, корхонада ишловчи ходимлар таркибида 50 фоиздан ортиғини ногиронлар, 75 фоизини ўрта ва махсус билим юртлари талабалари ташкил қилса, бундай корхоналар солиқдан тамомила озод этиладилар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ Кодексида назарда тутилган **10** та солиқ тури ва 5 та бошқа мажбурий тўловлар амал қилади.

Солиқларга қуйидагилар киради:

- 1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;
- 4) акциз солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 7) мол-мулк солиғи;
- 8) ер солиғи;
- 9) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- 10) жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

Бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:

1) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:

ягона ижтимоий тўлов;

фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенция жамғармасига суғурта бадаллари;

бюджетдан ташқари Пенция жамғармасига мажбурий ажратмалар;

2) Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар:

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;

Республика йўл жамғармасига йиғимлар;

3) давлат божи;

4) божхона тўловлари;

5) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

Ушбу солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар умумбелгиланган солиқлардир.

Солиқ Кодексида белгиланган ҳолларда ва тартибда солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибда тўланадиган қуйидаги солиқлар қўлланилиши мумкин:

ягона солиқ тўлови;

ягона ер солиғи;

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

Ушбу юқоридаги қўйилган савол асосидаги берилган жавоблар фуқароларнинг солиқ бўйича ҳуқуқий онгини оширишга, мустақил ўз вақтида белгиланган солиқларни ихтиёрий равишда муддатида тўланишига туртки бўлади.

Асосий таянч тушунчалар:

Молия - пул маблағларининг ҳаракати, яъни уларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланилиши билан боғлиқ равишда вужудга келадиган муносабатлар.

Молия тизими - Молиявий муносабатлар ва турли даражада уларга хизмат қилувчи Молиявий муассасалардир.

Давлат бюджети - давлат харажатлари ва уларни Молиявий таъминлаш манбаларининг тартиблаштирилган режаси.

Солиқлар - Жамиятда вужудга келтирилган соф даромаднинг бир қисмини бюджетга жалб қилиш шакли.

Солиқ ставкаси - солиқ суммасининг солиқ олинадиган суммага нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Лаффер эгри чизиги - давлат бюджети даромадлари ва солиқ ставкаси ўртасидаги боғлиқликнинг тасвирланиши.

Қўшимча маълумотлар

2015 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти белгилаб берган устувор йўналишлар, мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб шакллантирилган.

Унга кўра, солиқ юкини янада камайтириш, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини рағбатлантириш, бюджетдан ажратиладиган маблағларни сарфлаш самарадорлигини ошириш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, аҳолининг даромадлар жамғариш ва харид қобилиятини кўтариш, ёрдамга муҳтож оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов келгуси йил учун мўлжалланаётган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда бюджет лойиҳалари ҳақида атрофлича маълумот берди. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва меҳнатни рағбатлантириш мақсадида фойда солиғининг базавий ставкасини 7,5 фоизгача пасайтириш таклиф этилди. Бу хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида қўшимча 89,4 миллиард сўм қолдириш имконини бериши таъкидланди.

Шунингдек, иш ҳақи фондига солиқ юкини пасайтириш ва ишчиларга тўланаётган даромадларни легаллаштириш мақсадида микрофирмалар ва кичик корхоналар, фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасини ҳозирги 25 фоиздан 15 фоизгача пасайтириш, ўртача иш ҳақидан паст ёки унга тенг миқдорда даромад олувчи жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ юкини пасайтириш, даромаднинг биринчи гуруҳи (энг кам иш ҳақининг бир бараваригача) бўйича «0» даражали ставкани назарда тутувчи солиқ солишнинг тўрт поғонали шкаласини жорий этиш таклифлари берилди.

2015 йилда Давлат бюджетининг ижтимоий харажатлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 12,8 фоизни (ёки жами харажатларнинг 59,2 фоизини) ташкил этиши режалаштирилган. Келаси йил мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот 8,0 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Билдирилган таклифлар ва таҳлилий маълумотлар юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялар ва Экоҳаракат депутатлик гуруҳи ўз хулосаларини билдирди. Хусусан, **Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев** 2015 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари аҳолининг фаровонлиги ва турмуш даражасини оширишга йўналтирилганини, мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатга мувофиқ эканини қайд этди.

Таълим муассасалари битирувчилари ишга қабул қилинган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар ишчиларининг чекланган сонини 50 фоизгача кўпайтириш, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларини тегишли тартибда олти ой муддатга қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод қилиш кўзда тутилаётгани ЎзХДП ғоялари ва фаолиятига ҳамоҳанг эканини алоҳида таъкидлади. ЎзХДП фракцияси раҳбари айти пайтда бюджет харажатлари мақсадли ва самарали сарфланиши бўйича мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш масаласига эътибор қаратди.

Шу куни ялпи мажлисда 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси ҳам муҳокама этилди. Ушбу дастур лойиҳасини барча сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлик гуруҳи ўз йиғилишларида кўриб чиқиб, маъқуллаган эди.

Дастур лойиҳасида келгуси йил мамлакатимизда 987,5 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этиш, хусусан, касб-хунар коллежларининг 487 минг нафар битирувчиси ҳамда хориждан қайтаётган 400 минг нафардан ортиқ фуқарони ишга жойлаштириш чоралари кўзда тутилган.

Муҳокамалардан сўнг 2015 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари ҳамда 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси парламент қўйи палатаси томонидан тасдиқланди.

СОЛИҚ ВА СОЛИҚ ТЎЛОВЛАРИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Қўшимча ҳисобланган солиқни энди 6 ойда тўлаш мумкин

"Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга асосан, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларига, шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Солиқ кодексларига ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини аниқлаштириш мақсадида Солиқ кодексининг 46 та моддаси янада такомиллаштирилди.

Жумладан, кодекснинг 54-моддасида юридик шахслар сингари якка тартибдаги тадбиркорларга ҳам текширувлар натижаси бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, молиявий жарималарни тенг улушларда олти ой давомида тўлаш имконияти яратилди. Бу тадбиркорга маблағни шу давр мобайнида товар айланмасига олиб қолиш имконини яратади.

БОШҚА ТУМАНДАГИ МУЛК УЧУН ЎША ТУМАНГА

Солиқ кодексининг 79-, 81-, 271-моддаларидаги қўшимчалар эса кўчмас мулкни объектлар бўйича ҳисобга қўйиш, мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини топшириш ва уни тўлашни ушбу мулк жойлашган жойида амалга оширишни назарда тутиб, ушбу норманинг киритилиши маҳаллий бюджетлар даромад манбаларини янада мустаҳкамлайди.

Масалан, вилоятимиздаги энг йирик нефть-газ корхоналари Ғузор ва Муборак туманларида жойлашган бўлса-да, уларнинг мол-мулк объектлари бошқа туманларда ҳам мавжуд. Ушбу ўзгартишга асосан, эндиликда Муборак туманидаги корхона ўзининг бошқа туманларда жойлашган мол-мулки учун мол-мулк солиғини айнан шу туман бюджетига тўлаб беради.

Солиқ кодексининг 223- ва 225-моддаларидаги ўзгартиришлар микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобини ҳар ойда тақдим этиш ва тўлашнинг ягона муддатини белгилайди. Натижада ҳар ойда ҳисобланган солиқнинг бюджетга тўланиши унинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Кодекснинг 286- ва 369-моддаларидаги ўзгартиришлар Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, ер солиғи ва ягона ер солиғи бўйича тўловлар муддатларини йилига учтадан иккитага қисқартиради.

РЎЙХАТДАН ЎТГАНДАН КЕЙИНГИ ОЙДАН

Солиқ кодекснинг 311-моддасидаги ўзгариш янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари томонидан суғурта бадалларини тўлашнинг биринчи муддатини давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилишини англатади.

Кодекснинг 375-моддасига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар асосида эса янгидан рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар улар учун қатъий белгиланган солиқнинг биринчи тўловини давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўлашлари белгилаб қўйилди.

Ҳозиргача қонунчилигимизда, масалан, 20 ноябрда давлат рўйхатидан ўтган якка тартибдаги тадбиркор белгиланган қатъий солиқни ва суғурта бадалини шу ой учун тўлиқ тўлаши лозим эди. Кўриниб турибдики, тадбиркор ўз фаолиятини бошламасдан, бир ойлик солиқ юки унинг зиммасига тушарди.

ЯТТ ОЧГАН КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИСИ 6 ОЙ СОЛИҚДАН ОЗОД

Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлаган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, олти ой муддатга қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этилди. Бу эса коллеж битирувчисига бизнеснинг дастлабки ойларида бозорни тўлароқ ўрганиш имконини яратади. Акс ҳолда, бозорга янги кирадиган тадбиркор йиллар давомида фаолият кўрсатаётган тадбиркор билан рақобатлаша олмайди ва дастлабки ойларданок молиявий муаммоларга дуч келиши мумкин. Агар касб-ҳунар коллежи битирувчиси тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб бир йилга етмасдан тугатганда, мазкур имтиёз бекор қилиниб, солиқлар қайта ҳисобланади.

ЖАРИМАЛАР ҚИСҚАРДИ

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175- ва 264-моддаларига киритилган қўшимча ва ўзгартириш, солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлашда солиқ тўловчилар томонидан банкка тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик учун ҳуқуқбузарлик биринчи марта содир этилганда энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, бир йил ичида такрор содир этилганда беш баравардан ўн бараваргача маъмурий жарима қўлланилишини кўзда тутди. Илгари бундай ҳолларда энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 15 бараваригача маъмурий жарима қўллаш белгиланган эди.

МАҚСАД - БАНДЛИКНИ ОШИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддасига киритилган ўзгартириш микрофирма ва кичик корхоналар ходимларининг энг юқори сонини касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари ишга қабул қилинган ҳолларда 20 фоиздан 50 фоизгача оширилишини назарда тутди.

Бу меъёرنинг киритилиши микрофирма ва кичик корхоналарда янги иш ўринларини яратиш, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини ошириш масаласига ижобий таъсир кўрсатади.

шунингдек...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори асосида ҳам бир қатор тадбирлар белгиланган.

Мазкур қарорга асосан, фойда солиғининг базавий ставкаси 8 фоиздан 7,5 фоизга пасайтирилди. Бунинг натижасида вилоятда 3,4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ солиқ тўловчилар ихтиёрида қолиши кутилмоқда.

25 ФОИЗДАН 15 ФОИЗГА ўзгарди.

Микрофирма, кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга пасайтирилди. Бу ўзгаришлар юқоридаги тоифа корхоналарга катта миқдорда харажатларни тежаб қолиш билан бирга ишчилар меҳнатини қонуний ташкил этиш имконини янада кенгайтиради. Шу пайтгача улар ходимларга тўланадиган жами иш ҳақи миқдорининг 25 фоизига тенг қисмини ягона ижтимоий тўлов сифатида тўлаб келишган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 15 фоизни ташкил этмоқда. Иш ўринлари харажатларининг бу каби кескин пасайиши янги иш ўринларини ташкил этишга, ишчилар сони ошишига, айрим ҳолларда эса бухгалтерия ведомостларида ҳисобда турмайдиган ишчилар меҳнатини қонунийлаштиришга имкон яратади. Ўз навбатида тўлов ставкасининг пасайиши натижасида ўрта ҳисобда 35 миллиард сўм маблағ солиқ тўловчилар ихтиёрида қолади.

ҚУРИЛИШ ХАРАЖАТЛАРИ КАМАЯДИ

Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари тоифасига кирувчи қурилиш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилди. Асосий мақсад бажариладиган қурилиш ишлари харажатини камайтиришга эришишдир.

Бунинг натижасида 3 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ қурилиш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ихтиёрида қолиши кутилмоқда.

ЭНГ КАМ ИШ ҲАҚИ ОЛУВЧИЛАР ДАРОМАД СОЛИҒИДАН ОЗОД ҚИЛИНДИ

Ушбу қарор билан кучга кирадиган энг муҳим ўзгаришлардан яна бири ишчи-хизматчилардан олинадиган даромад солиғи билан боғлиқдир.

Биз қайси идора, корхонада ишламайлик, ҳар биримиз ойлик маошимиздан даромад солиғи тўлаймиз. Даромад солиғи 2014 йилда 3 поғонали ставка асосида ҳисобланиб, тўланарди. 2015 йилда эса 4 поғонали солиқ ставкасини қўллаш тартиби белгиланди. Эндиликда энг кам иш ҳақининг бир баробаригача ойлик маош оладиган ишчи-хизматчилар даромад солиғи тўлашдан озод этилди. Бу, ўз навбатида, аҳолининг кам даромадли қисмини қўллаб-қувватлаш, уларнинг реал даромадини, харид қобилиятини оширишга сезиларли таъсир кўрсатади. Ушбу меъёرنинг киритилиши натижасида ўрта ҳисобда 35,9 миллиард сўмдан ортиқ маблағ вилоятимизда ишловчи ишчи-хизматчилар ихтиёрида қолиши кутилмоқда.

Умуман олганда, 2015 йилда солиқ ставкаларининг пасайиши ҳисобига вилоятда жами 77 миллиард сўмдан ортиқ маблағ солиқ тўловчилар ихтиёрида қолиши ҳисоб-китоб қилинди. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, солиққа тортиш базасини янада кенгайтиришга асос бўлади.

ЯНГИ СОЛИҚЛАР

Шу билан бирга айрим солиқ тўловлари жорий этилди ва солиқ ставкалари индексация қилинди.

Хусусан, тамаки маҳсулотлари, спиртли ичимликлар учун акциз солиғи ставкаси 5 фоиздан 15 фоизгача, ер солиғи ставкаси 15 фоизга, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 20 фоизга, жисмоний шахслар мол-мулк солиғи ставкаси 10 фоизга, транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ставкаси 10 фоизга индексация қилинди.

Бундан ташқари суғурта бадали ставкаси 6,5 фоиздан 7 фоизга, абонент рақамларидан фойдаланганлик учун олинадиган тўлов миқдори 600 сўмдан 750 сўмга оширилди. Шунингдек, алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлар учун, солиқ солиш тизимидан қатъи назар, 1 литр сувга 10 сўм миқдорида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўланиши белгилаб қўйилди.

Дарс ишланмаси



Yer solig'i

Видео ролик



Ozbekiston_soliq_tizimi.avi

Хулоса

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, солиқ ва бюджет сиёсатидаги янгиликлар мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Мухтарам Президентимиз бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб қувватлаш борасида жисмоний ва юридик шахслардан ҳам даромад солиғи ставкасини 7,5 фоизга камайтирилди бу ҳам тадбиркорларимиз учун анча енгиллик туғдирди. Шу билан бирга, қурилиш соҳасида фаолият юритаётган корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси, саноат корхоналарида бўлганидек, 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши ҳам ўз навбатида қулай имконият бўлиб ҳисобланади.⁴

Ўйлайманки бундай имкониятлардан оқилона фойдаланиш Президентимиз И.А. Каримовнинг бизга яратилаётган кенг имкониятлар сирасидандир. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак ўқувчиларга бозор иқтисодиёти шароитида солиқ ўзгаришларини тушунтириб бориш, шу билан бирга тадбиркорлик ва ишбилармонлик мухитини ўқувчиларга сингдиришда иқтисодий билим асослари фани энг асосий ўринни эгаллайди .

⁴ 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир

9-синф

Фан: " Иқтисодий билим асослари"

9-синф. (19 – дарс).

Мавзу: Ер солиғи

Мақсади: Ўқувчиларда солиқ ҳақида тучунчага эга бўлиш ва унинг турларини санай олиш ва ер солиғи ҳақида билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларига эришиш:

Вазифалари:

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушунтириш;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини билиш;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблай олиш;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳақида маълумотга эга бўлиш;

ер солиғининг иқтисодиётидаги ролини аниқлаш;

ер солиғининг ундирилишини тушуниб етиш;

ўқувчилада солиқни ўз вақтида тўлаш давлат хазинасини бойитишдан иборат эканлигини шакллантиришдан иборат.

Дарс жараёнида эгаллашлари лозим бўлган асосий атамалар:

даромад солиғи;

даромад солиғи ставкаси;

даромад солиғини ҳисоблаш;


маҳаллий солиқ;

ер солиғи имтиёзлари;

Дарсга таёргарлик ва дарсга керакли бўлган воситалар;

Воситалар; дарслик, Ер солиғи акс этган суратлар (1-илова).

Синф таёргарлиги: Дарс жараёнига гурухни шакллантириш, синф парталарини жойлаштириш ва стол устига оила, солиқчи, банк, магазин, ер расмлари акс этган карточкалар қўйилади.



Дарсинг тури: янги мавзун баён этиш;

Дарсда қолланилган методлар; гуруҳлар билан ишлаш, кўрсатиш, суҳбат;

Дарс босқичлари ва вақт тақсимоти:

1	Ташкилий қисм	3 дақиқа
2	Ўтилган мавзун эсга солиш;	4 дақиқа
3	Янги мавзун ёритиш: а) гуруҳда ишлаш - б) тақтимот -15 дақиқа с) умумлаштириш - 4 дақиқа	25 дақиқа
4	Янги мавзун мустаҳкамлаш	6 дақиқа
5	Дарсга якун яшаш ва баҳолаш	5 дақиқа
6	Уйга вазифа	2 дақиқа

Дарснинг бориши.

1.Ташкилий қисм;

Ўқувчилар синфга киришади уларнинг ҳар бирига стол устидаги расмлар акс этган карточкалар олиш тавсия этилади ва расмлар бўйича столга ўтириш кераклиги айтилади

2. Ўтилган мавзулар ҳақида суҳбатлашиш.

1.Кимлар мол-мулк солиғини тўловчилар ҳисобланади Жавоби; (Ҳар қандай жисмоний шахснинг маълум миқдорда мол – мулки бўлади. Қонунга кўра, мол- мулкидан солиқ тўловчи шахс мол – мулки бўлади).

2.Солиқ деганда нимани тушунасиш? Жавоби; (фуқаро, фирма ва корхоналардан давлат хазинасига ундириладиган, қонунда кўрсатилган мажбури тўлов).

3.Солиқ ставкаси деганда нимани тушунасиш? Жавоби; (солиқ миқдорининг солиқ солинадиган жами суммага нисбатан фоиз миқдори).

4.Солиқ солиш объекти деганда нимани тушунасиш? Жавоб:(даромад солиғи давлат солиғи бўлиб, тўғри солиқлар сирасига киради. Даромад солиғи жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадидан олинади. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадига айтилади.).

3. Сизлар билан, солиқ ва ер солиғининг мамлакатимиздаги аҳамияти ва ҳаётдаги ўрни ҳақида билимларимизни эслаб олдик.

4. Янги мавзу:Ер солиғи.

Мавзунинг баён қилиш режаси:

1). Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи.

2). Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи.

3). Ер солиғи имтиёзлари.

4). Мамлакатимизда солиқнинг аҳамияти.

(Матнлар илова қилинади).

5).Янги мавзуни гурухлардаги ўқувчилар мустақил ўқиш орқали амалга оширилади.

Гурухларга:

1. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи.
2. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи.
3. Ер солиғи имтиёзлари.
4. Мамлакатимизда солиқнинг аҳамияти.

Фойдаланиш учун матнлар.

Мавзулар ёзилган карточкалар ҳар бир гурухларга тарқатилади.

Гурухларга қуйидаги топшириқлар берилади:

- 1.Мавзуни ўқиб чиқинг.
- 2.Мавзуни бир- бирингизга сўзлаб беринг.
- 3.Матнга оид таянч сўзларни ажратинг.
- 4.Синфда тақдимот қилиш таёргарлиги, гурух иши учун (6 дақиқа) вақт ажратилади.

5).Гурухларнинг ишлаш жараёнини ўқувчиларнинг иштироки кузатиб борилади ва керак бўлган жойларга кўрсатмалар берилади.

6).Гурухларнинг тақдимоти. (15 дақиқа).

Гурухларнинг тақдимот қилиш жараёнида ўқувчилар тинглайдилар ва савол бериши айтилади.

7).Ўқитувчи томонидан мавзулар умумлаштирилган ҳолда қисқача баён қилинади.

5. Мустаҳкамлаш.

Ўқувчиларга ўтилган мавзу бўйича қуйидаги жадвални тўлдириш топширилади.

Муаммонинг тури	Муаммони келиб чиқиш сабаблари	Муаммони ечиш йўллари ва сизнинг ҳаракатларингиз .

6. Ўқувчилар билимини баҳолаш.

Топшириқни бажариш учун атамаларга мос келган талқинларни қўйинг.

Атамалар:

1. Солиқ
2. Солиқ муносабатларининг субъектлари
3. Солиқ ставкаси
4. Солиқ тўловчилар
5. Сотувчи
6. Суғурта

Талқинлар;

- а).Турли хил кутилмаган ҳолатлар натижасида юзага келиши мумкин бўлган молиявий муаммолардан муҳофаза қилиш;
- б). Бозорда товарини пулга алмашадиган, яъни товарни сотадиган томон;
- с).солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахслар;
- д). Солиқ объектининг ҳар бир бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёр.
- э). Солиқ тўловчилар ва ваколатли органлар;

л). Фуқаро, фирма ва корхоналардан давлат хазинасига ундириладиган, қонунда кўрсатилган мажбурий тўлов.

Топшириқларнинг тўғри жавоблари доскага илиб қўйилиб, ўқувчилар нечта топшириқни тўғри бажарганларини сўраш ва уларнинг дарс жараёнидаги фаолиятини ҳисобга олган ҳолда баҳо эълон қилинади.

7. Уйга вазифа:

Ҳар бир ўқувчи ўз оиласининг йил давомида тўлайдиган солиқ сўммасини ҳисоблаб келиш.

Фойдаланиш учун матнлар.

Солиқ деганда, фуқаро, фирма ва корхоналардан давлат хазинасига ундириладиган, қонунда кўрсатилган мажбурий тўлов эканлиги тушунилади. Шу билан биргаликда, мамлакатимиз солиқ тизимида ер солиғи маҳаллий солиқ ва йиғимлар турига мансуб. Ер солиғи бошқа солиқ турларидан фарқли ўлароқ, ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан, ушбу солиқ тури қатъий тўловдир. Яъни ер эгалари ва фойдаланувчилари ўз фаолиятлари давомида қанчалик фойда кўрганларидан қатъий назар, ер солиғини тўлашлари шарт. Чунки, ушбу солиқ амалга татбиқ этилишининг асосий мақсади – ердан оқилона фойдаланиш, уни авайлаш, талон – тарож қилишига йўл қўймасликдир.

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган шахслар ер солиғи тўловчилари ҳисобланади.

- Жисмоний шахсларнинг қуйидаги ер майдонлари солиқ объекти ҳисобланади:
- деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер майдонлари;
- якка тартибда уй – жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;
- жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизсилигини юритиш учун берилган ер участкалари;
- хизмат юзасидан бирилган чек ерлар;

- мерос бўйича, ҳадя қилиниши ёки сотиб олиниши натижасида уй-жой ва иморатлар билан биргаликда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;
- тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун доимий фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари.
- Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар ер солиғининг тўловчилари бўлиб ҳисобланадилар.
- Юридик шахслар учун қуйидаги ер майдонлари ер солиғи объекти бўлиб ҳисобланади:
- қонунда белгиланган тартиб бўйича ўз мулки қилиб олинган ер майдонлари;
- ўрмон хўжалиги учун эгалик қилишга берилган ерлар;
- корхона қилишга, иморатлар қуришга ёки бошқа ноқийшлоқ хўжалик мақсадлари учун фойдаланишга берилган ерлар.
- Жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган ер участкаларига қуйидаги ерлар киради.

Якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар доирасида берилган ерлар – ер участкаси берилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга солиқ солинмайди. Агар ердан ўз ўрнида фойдаланилмаса, бу имтиёз қўлланилмайди.

Деҳқон хўжаликларидан ундириладиган ер солиғи ставкалари, ер сифатига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Қуйидаги ер майдонлари ер солиғидан озод этилади:

- шаҳарлар, шаҳар қўرғонлари, қислоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўчалар, ўтиш жойлар, ёълар, ариқ ёқалари, ариқлар, мазорлар ва бошқалар);
- боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик жамоалари учун умумий фойдаланишга берилган ерлар;
- табиатни муҳофазалашга мўлжалланган ерлар,

- тарихий – маданий аҳамиятга эга бўлган ерлар;
- сув фонди ерлари (дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, денгизлар ва шу каби умум фойдаланадиган ерлар).

Фойдаланиш учун матнлар.

1. Тадбиркорлик деганда, кишиларнинг фойда олиш мақсадида, ўз маблағлари, мулки, билим ва имкониятларини ишга солиб товар, хизматлар ишлаб чиқариш фаолияти тушунилади.

Тадбиркорликни ишбилармонлик ёки бизнес деб ҳам аташади. Бундай фаолият билан шуғулланганларни ишбилармонлар, тадбиркорлар ёки бизнесменлар ҳам дейишади.

Тадбиркорлик фаолияти кишидан:

- Бошланғич мулк ва маблағни ишга солишни;
- Эркин иқтисодий фаолият юритишни;
- Фойда олишга интилиш;
- Меҳнат севарлик ва ғайратчанлик;
- Барча иқтисодий масъулиятни зиммага олиб таваккал қилиш;
- Ҳалол иш юритиш ва қонунларга риоя қилиш;
- Ҳалол рақобатга қатнашиш. Тадбиркор юқоридаги ташаббускорлик ва барча масъулиятларни зиммасига олиб таваккал қилиш фазилатларига эга бўлмаса тадбиркорлик қила олмайди. Сабаби шу фазилатлари орқалигина бирор ишга қўл уриши мумкин.

Тадбиркор ҳалол иш юритиш ва қонунларга риоя қилиш, ҳалол рақобатда қатнашиш каби қўшимча фазилатларгага бўлиши, унга риоя қилиш билан давлат, шериклари ҳамда мижозлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажаради, улар олдида ҳурмати, нуфузи ошади.

Юқорида келтирилган тадбиркорликка хос фазилатлари.

2. Тадбиркорлик бозор иқтисодиётига хос бўлган фаолиятдир. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик – табиий, сапитал ва меҳнат омиллари билан бир қаторда ишлаб чиқаришнинг асосий омилига айланади. Чунки, ишлаб чиқаришнинг худди шу тадбиркорлик омили, қолган уч омилини бирлаштириш имконини беради. Тадбиркорлик жамият учун керак, чунки бу фаолият натижасида янги, қўшимча иш жойлари яратилади. Тадбиркорлик нафақат истеъмолчилар учун, балки давлат учун ҳам зарур ва фойдали фаолиятдир. Давлат тадбиркорликка кенг йўл очиб бериши билан аҳолини ишга жойлаш, кенг истеъмол товарлар ва хизматлар билан таъминлаш вазифасини, маълум маънода, ўзидан соқит қилади. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятидан

олинадиган солиқлар ҳисобига давлат хазинаси бойийди. Шу боис, давлат тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб – қувватлайди.

3. Тадбиркорлик бизнес ғоядан бошланади. Бизнес ғоянинг қанчалик тўғри танлангани – бизнес муваффақиятининг энг асосий ва бошланғич омилларидан бири ҳисобланади. Бизнес режа – бизнес ғояни амалга ошириш мақсадида бажариш зарур бўлган, ўзаро мувофиқлаштирилган хатти – ҳаракатлар дастуридан иборат ҳужжат.

Бизнес режа, биринчи навбатда, тадбиркорнинг ўзи учун муҳим.

Бизнес режа:

- корхонанинг қисқача тавсифи;
- ишлаб чиқариладиган товар ёки хизматнинг тавсифи;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш тамойиллари;
- ишлаб чиқариш харажатлари, тушум, режалаштирилган фойда ва унинг тақсимооти;
- ишлаб чиқариладиган товар ёки хизмат бозорининг таҳлили;
- якуний ҳулосалар каби маълумотлар берилади.

4. Тадбиркорлар деярли ҳамма иқтисодий баолият турлари билан шуғулланишади. Тадбиркорлик фаолиятининг мазмунидан келиб чиқиб, уни қуйдаси турларга ажратиш мумкин: ишлаб чиқариш; тижорат; молиявий тадбиркорлик; воситачилик; суғурта.

Ишлаб чиқариш фаолиятига асосланган тадбиркорда ишлаб чиқаришнинг табиий, капитал ва меҳнат омиллари бирлашиб ҳаракатга келади. Тадбиркор ишлаб ишлаб чиқариш воситалари – ер, бино, иншоот, асбоб – ускуналар, хомашёни сотиб олади, ишчи ходимларни ёллайди. Турли хилдаги товарлар ишлаб чиқаради ва истеъмолчиларга сотади.

Тадбиркорликнинг тижорат тури билан шуғулланувчилар товарларни сотиб олишади, сўнг эса бошқаларга сотишади. Бу ҳолда товарнинг сотилиш нархи, унинг харид нархидан юқори бўлади. Нархлар ўртасидаги фарқ тадбиркорлик фойдаси сифатида тадбиркор томонидан ўзлаштирилади.

Тадбиркорликнинг бу тури тижоратга ўхшаб кетади. Фақат молиявий тадбиркорликда Товар олди- сотдиси ўрнига пул ва қимматли

қоғозлар олди – сотдиси амалгам оширилади. Пул маблағлари қарзга берилади. Чет эл валюталари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар сотиб олинади ва сотилади.

Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро алоқалар воситачилар ёрдамида осонлашганини ва тезлашганлигини кўрамиз. Воситачилар қандай товар қаерда, қандай нархда сотилаёйганлиги ҳақида маълумотга эга бўладилар. Маълумот эса пул туради. Бундай тадбиркорлар “бахтли тасодиф”ни кутиб яшайди. Кўп ҳолларда, маълум пул маблағига эга бўлган худди шу тадбиркорлардан келгусида товар ишлаб чиқарувчилар етишиб чиқади.

Тадбиркорликнинг суғурта тури ҳозирда кенг тарқалган. Суғурта фаолият билан юқори мавқега эга бўлган тадбиркорлар шуғулланади, чунки у катта бошланғич маблағни талаб қилади. Тадбиркор турли хил кутилмаган ҳолатларда кўриладиган зарарни қоплашга маълум ҳақ эвазига кафолат берадиган шахс сифатида фаолият кўрсатади.

Ҳозирги кунда Республикамиз Президентининг тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини қўллаб-қувватлашга, уларнинг мустақил фаолиятига турли аралашувларни чеклаш, уларга кенг йўл очиб беришга қаратилган бир қатор фармон ва қарорлари мавжуд.

Эркин бозор муносабатларига асосланган ҳукукий давлат, демократик жамият қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили иқтисодиётнинг сиёсатдан ҳоли эканлиги, давлатнинг бош ислоҳатчи бўлиши, қонун устуворлиги, қусли ижтимоий сиёсатнинг ўрнатилиши, ислоҳатларни тадрижий асосда босқичма – босқич амалгам ошириш принциплари асосида бозор иқтисодиётининг ривожланишининг ҳукукий негизлари яратилади.

Ислоҳатларнинг кейинги босқичида “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги”, “Хусусий корхона тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисидаги”, “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисидаги”, “Фермер хўжалик солиш тўғрисида” ги Қонунлар, янги тахрирдаги Солиқ кодекси ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан жиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўтган даврда мазкур соҳада олиб борилган ишларни сарҳисоб қилган ҳолда бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган

асосий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни айтиб ўтди.

- “Хусусий мулкни ҳимой қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги”ги, “тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб – қоидалари тўғрисида”ги Қонунларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилди.